

МАМЛАКАТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ



Суратлар "Халқ сўзи" фотожаммасидан олинди.

Бу бежиз эмас. Чунки 2016 йилдан бошлаб миллий армиямизни ислоҳ қилиш, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси ва дислокация тизимини такомиллаштириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника намуналари билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Армия ва халқ — бир тану бир жон!" деган олийжаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмақда. Бу эса Ватан ҳимояси, чиндан ҳам, барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол

далолат беради", деб айтган сўзларида Қуролли Кучларнинг ҳарқ билан ҳар қаногидан ҳам яқинлигини англашимиз мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг турли жойларида вазият кескин тус олаётгани, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавф-хатарлари барчамизни оғоҳ бўлишга чақиради, Қуролли Кучларимиздан эса юқори даражадаги жанговар қобилиятни мустаҳкамлашни талаб этади. Сўнги йилларда юртимизда ҳам турб ислохотлар амалга оширилиб, бу миллий армиямизнинг ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба берадиган жанговар қудрати йилдан-йилга ошиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, инсон кадрига устувор эътибор қаратилаётган тараққиётнинг янги даврида ҳарбий соҳани ислоҳ этиш, мазкур йўналишдаги миллий қонунчиликни давр талабига мос тарзда

такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётир. "Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" деган ғоя ҳарбий соҳадаги миллий қонунчилигимизга ҳам тобора сингиб бормоқда. Давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилган турб ислохотлар натижада миллий армиямиз тезкор ва илҳам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланган.

Янги таҳрирдаги Бош қўмушмишрада ҳам Қуролли Кучларимизнинг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш бўйича ислохотларни амалга ошириш масалалари кўзда тутилди.

Айни чоғда давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, ҳарбийларни ижти-

мой қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Соҳа ходимларини замонавий тураржойлар билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, зарур ижтимоий кафолатларни яратиш, олий таълим ва таълимнинг кейинги босқичи билан қамраш, касбий, жисмоний салоҳиятини юксалтириш борасида қўллаб амалий ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилаётир. Барча бўғиндаги ҳарбий ўқув даргоҳлари, ҳарбий қисмлар, госпиталлар, шифохоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг давр талабига ҳамқадам бўлиши йўлида зарур барча имконият ишга солинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда жондорларимизнинг фаёзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимиз ислохотларда фаол қатнашмоқда. Эътиборли жиҳати, Ватанимизнинг давлат суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, ҳудудларимиз яхлитлигини ва оқоилишларини сақлаш йўлида хотин-қизларимиз ҳам муносиб равишда ўз бурчларини адо этиляпти. Буни юртимиз ҳимоячилари сафида улар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умуман олганда, бугунги мураккаб глобаллашув замонининг таъминоти, ўзаро аҳиллик ва тотувликнинг бебаҳо бойлик эканини яна бир бор исботламоқда. Бу эса оқоилишларимизни асрашда наинки ҳарбийлар, ўзини шу табарруқ юрт фарзанди деб билган барча ҳамюртларимиздан жонажон Ўзбекистонимизнинг тақдирига, келажига дахлдорлик туйғуси билан яшашига ва бу йўлда масъулиятни теран англашга даъват этмоқда. Зеро, Ватанимизнинг давлат суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, ҳудудларимиз яхлитлигини ва оқоилишларини сақлаш келажак авлод олдидидаги муқаддас бурчдир.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АСКАР ОНАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат қудрати, юксак ғурур ва садоқат тимсолидир!" широри остида "Ватанпарварлик ойлиги" ўтказилмоқда.

Мазкур ойлик доирасидаги маънавий-маърифий тадбир билан аскар оналари шарафланиб, фарзандларининг хизматдаги ютуқлари эътироф этиляпти.

Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни Самарқанд гарнизонидан қорқалпоғистонлик муддатли ҳарбий хизматчиларининг оналарини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ватан ҳимоясига қодир мард йигитнинг онаси бўлиш — улкан бахт. Муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оналари билан видеоконференцалоқа тизими орқали бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида барча аскарлар волидалари чеҳрасида ана шундай бахтиёрлик ва соғинч сурури акс этди.

"Аскар оналарини шарафлаймиз!" деб номланган ушбу тадбирда халқимизнинг тинч ва оқоилишга ҳаётини таъминлаш мақсадида миллий армиямизда амалга оширилаётган илҳол ислохотлар юксак самаралар бераётгани, яратилган шароитларнинг эришаётган салмоқли ютуқлари ҳақида сўз борди. Бу эса аскар оналарини хушнуд этди.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»)

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Мисол учун, ўтган йили сектор ҳудудидаги 2 368 гектар ер майдонлари 3 996 та лотга бўлиниб, аукционга чиқарилди. Шундан 2,1 минг гектар ер майдонлари бўйича ғойиблар аниқланиб, 3 445 та деҳқон хўжалиги ташкил қилинди. Бу билан шунча аҳолининг ўзини ўзи банд қилишига эришилди.

Бундан ташқари, муаммоси бўлган ишбилармонларга қўрсатилган амалий ёрдам натижасида 326 та янги тадбиркорлик субъекти йўлга қўйилди, 119 тасининг фаолияти тикланди ва натижада 602 та иш ўрни яратилди. Умумий ҳисобда эса йил давомида прокурорлар секторларида 875 та юридик ҳамда 1035 та яққа тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шу каби ишлар натижасида вилоят иккинчи секторидан 100 минг 800 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Бу эса режадагига нисбатан анча кўп, дегани.

Сектор томонидан ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам юқори. Хусусан, бу борада айнан прокуратура ташаббуси билан 143 та лойиҳага турли манбалар ҳисобидан 15 миллиард 646 миллион сўм маблағ жалб қилиниб, шундан қиймати 12,8 миллиард сўмлик 125 та

лойиҳа ҳимойилик асосида удаланди. Натижада ўнлаб таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳалла идораларида шарт-шароит яхшиланди.

Мисол учун, Шаҳрисабз туманининг Мактабдо маҳалласидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби биносининг иситиш тизимлари ишдан чиққан, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Прокуратура ташаббуси билан ушбу мактабга 50 миллион сўм ҳимойилик маблағ йўналтирилиб, замонавий иситиш тизимини усқуналари олиб берилди. Ва бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мустақар айтганда, аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш давлатимиз томонидан юртилаётган инсонпарварлик тамойилларининг ўз-ғани ташкил этади. Биз, прокуратура ходимлари бу борадаги масъулиятни ҳис қилиб, халқ ишига қамарбаста бўлиб ишлашга астойдил бел болаганмиз.

Президентимиз халқимизга йўллаган Янги йил табригида қайд этганидек, Ватанимиз мустақилигини мустаҳкамлаш, инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш бундан бўён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Бектош САЙПОВ,
Қашқадарь вилоят прокурори.

ЁРҚИН КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Отам ўқитувчи бўлгани учун болалигим хамиша китоблар қуршовида кечган. Қирда қўй бокаётган, пичан ўрғатган, ҳатто ер чапайганида ҳам ёнимда бирорта китоб олиб юриш сеvimли одатим эди. Ухлаётган маҳалимда ҳам энг яхши кўрган китобим ёстигини остида булардим. Китоб билан дўст тутинишим умримнинг давомини белгилаб берган, десам, мулолағам эмас.

Сўз излаб, ижод дардида қилшқонинг бир четидан Тошкентга келдим, ушанда ҳам ёнимда бир сумкада қиймлар, онам солган Самарқанд нони воситалари билан таъминлаш даражасининг ошишига ҳизмат қилади. Семинарда депутат Қизилғул Қосимова мазкур қонун лойиҳасининг ахамияти ҳақида фикр билдирар экан, дори воситалари инсоннинг дардидаги шифо бўлиши керакки, уларнинг соғлиққа хавф солувчи, ғирром дамлаб манбаига айланиб қолишига зинҳор йўл қўйиб бўлмастлигини таъкидлади.

Муҳокама чоғида қонун лойиҳаси билан боғлиқ саволларга вазирлик ва идоралар мутахассисларидан асосланган жавоблар олинди.

Президентимизнинг бизга алоҳида эътибори туфайли ўсиб-ўлғайиб, камол топмоқдамиз. Бу йил ҳам ёшлар учун юксак марралар, орзулар мақсадлар йили бўлади, албатта. Шу сафда мен ҳам борлигимдан, эл-юртимиз тараққиётига, маънавий муҳит барқарорлигига ўз билимим, сўзим билан, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан фخرланаман.

Шаҳзод СОБИРОВ,
«Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби:
— Янги йилда яна ёшларга ургу берилганидан жуда қувондим. Чунки бу келажакка эътибор ифодасидир.

Урганч санъат коллежини битиргач, журналистика соҳасида фаолият бошладим. «Менинг

юртим» телеканалининг ҳудудий мухбири бўлиб ишлаганимда аксарият лавҳаларим ИТ-соҳасига оид бўлган. Бир сафар Ичан қалъада ўтказилган "NazzaAR" стартапи ҳақида лавҳа тайёрлаш чоғида лойиҳа, унинг ишлаш структураси ва Ўзбекистонда илк бор туризм соҳасида қўлла-қотибим ёстигини батафсил ўрганганим. ИТ-соҳасида иш бошладим. Дастлаб "durbin.uz" номли сайт очдим. Бу сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ҳам ўтган эди. Сайтни ривожлантириш учун менга жамоа ва медиа техникалар керак бўлди. Бу билан бир қаторда, ўқув маркази лойиҳаси ҳам режада бўлган, аммо у иккинчи даражада эди. Ахборот технологиялариға қизиқишим, шу йўналишда кўп нарсани ўрганганим учун ҳам 2019 йил "DATA"ни очишга қарор қилдим. Ушанда 10 та компьютер, 60 нафар ўқувчи билан иш бошлагандик.

Бугунги кунда марказимизда 80 нафардан ортиқ ўқитувчи-ҳодимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги шу ернинг ўзида таълим олган. Марказимизда ҳозир бир пайтнинг ўзида минг нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олиш имконияти мавжуд. Ўйлашга 3 — 6 ойдан 4 минг нафар ёшани ўқита оламиз. Бугунга қадар қурсларимизда 6 минг нафардан зиёд ўғил-қизлар таълим олган.

Меҳнатларимиз самара берди, лойиҳам қўллаб-қувватланди ютиб олди. Хали олдидан режаларимиз, ғояларимиз, мақсадларимиз мўл. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилда йўлимиз янада ойдан бўлишига, қўзлаган марраларимизни бирма-бир забт этишимизга ишонаман.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

«ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРУЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМИША ДЎСТОНА БЎЛГАН»

Парламентларо алоқаларни янада фаоллаштириш мақсадида Грузия парламент раисининг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш, шунингдек, Бош вазир ўринбосарлари даражасида иқтисодий масалалар бўйича Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатларимиз вазириликлари ва идоралари ўртасида 2023 йили Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Грузияга ташрифи чоғида эришилган келишувларда белгиланган "Йўл харитаси"даги вазифаларни бажариш юзасидан ишлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ишбилармон идоралари ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга умид қилаёмиз. Грузия ва Ўзбекистон Савдо-саноат

палаталари ўртасидаги мулоқотнинг фаоллашуви бизнес-сектор вакиллари рутбасидаги алоқаларни жадаллаштиришга имкон бериши, шубҳасиз.

Грузия ўзбек томонининг "Урта йўлак" имкониятларини ошириш ва ривожлантириш жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришини олқийлайди. Ўзбекистоннинг инфратузилма лойиҳаларида фаол қатнашишига умид қиламиз.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон халқини Янги йил билан самимий табриклайман, тинчлик-оқоилишлик, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, шунингдек, мамлакат раҳбарияти бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар ва чуқур ўзгаришларнинг бундан буюн ҳам жадал амалга ошишида улкан муваффақият тилаймиз.

«Халқ сўзи».

ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Хўш, ўтган қисқа вақт мобайнида бу борада қандай ишлар бажарилди?

Аввало, қўмита томонидан ўрганишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаш керак. Дастлабки ўрганишларга кўра, бугунги кунда Тошкент шаҳар сунъий иншоотларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқармаси тасарруфида жами 5 та пиёдалар ўтиш йўлаги бўлиб, уларнинг учтасига 8 та лифт ва 8 та эскалатор ўрнатилган ҳамда уларга "Lift project" МҲЖ корхонаси томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, "Toshkent metropoliteni" ДУКга қарашли метрополитеннинг айрим бекатлари, хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан ер усти метросининг бир қатор бекатларида ўрнатилган эс-

калаторлар ишдан чиққани аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўмитамиз масъул тузилмаларни жалб қилган ҳолда эскалатор ва лифтларни тўлиқ ишга тушириш чораларини кўриш ҳамда бажарилган ишлар натижалари юзасидан маълумот тақдим этишни сўраб Тошкент шаҳар ҳокими ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисига расмий мурожаат йўллади.

Айтиш жоизки, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида мазкур масала юзасидан масъул ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини эшитиш кўзда тутилмоқда.

Кўтбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ СИФАТЛИ ВА ХАВФСИЗ БЎЛИШИ ЗАРУР

Қўйи палата депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашган тадбирда "Фармацевтика соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда. Яъни

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатидан рецетпсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилга қамиди бир марта тасдиқлаш нормаси ва унга алоқадор бўлган бандлар чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, рецетпсиз бериладиган дори воситалари рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлангани назарда тутилган ортиқча бюрократик норма қичариб ташланмоқда.

Бугунги кунда инсон саломатлигини муҳофаза қилишда замонавий тиббий ёрдам билан бир қаторда, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини сифатли дори-дармон билан таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Музафара Абдиева. —

МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ҳеч қим суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслиги, уй-жойидан маҳрум бўлган мулкдорга уй-жойининг қиймати ва у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қоплашни кафолатланиши белги-ланмоқда.

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз амалга оширишга ҳисса қўшади, уй-жойидан маҳрум этилганда уй-жойини ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни белгиланган тартибда қоплашни таъминлайди. Бу эса хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини янада кафолатлашда муҳим ахамият касб этади, — деди Қонунчилик

палатаси депутати Носиржон Аминов.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар, асосли тақлифлар илгари сурилди. Ушбу тақлифлар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таҳлил қилиниб, уларнинг асосли деб топилганлари лойиҳани такомилга етказишда эътиборга олинмаган бўлди.

Айни пайтда масъул қўмита томонидан ушбу лойиҳа мутахассислар, экспертлар иштирокида маромига етказилди, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритишга тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».

ЎТГАН ЙИЛГИ ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ. НАТИЖА ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси фаолияти ўтган йили қизгин кечди. Қўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 6 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга оид илгари мавжуд бўлмаган "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун устида фаол иш олиб борди.

Брифинг

Бу ҳақда қўмита томонидан ўтказилган брифингга айтилди. Шунингдек, ўтган даврда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигига қўмаклашиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш жараёнларини такомиллаштириш каби муҳим йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга устувор аҳамият қаратилгани алоҳида қайд этилди.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқарилган ҳолда улар ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукамал бўлишини таъмин-

лашда қўмиталар ҳузуридаги экспертлар ҳамда ишчи гуруҳларининг йиғилишлари муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳисобот даврида қўмита масъул бўлган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ишчи гуруҳ ва экспертлар гуруҳининг элликка яқин йиғилишлари ўтказилган.

Орта қолган 2023 йилда қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ҳамда улар яқунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари сайловчилар томонидан қўтарилаётган масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда ҳал этишга ҳам жиддий ёндашган. Мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 22 та депутат сўрови юборилган.

Худудларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан самарали парламент назорати ўрнатилди. Жумладан, қўмита аъзолари бандлик дастурларининг ижро этилиш ҳолати, янги иш ўринларини ташкил қилиш, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида Қорқалпоғистон Республикаси, Хоразм,

Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида назорат-таҳлил тадбирлари ўтказди.

Халқ билан очик мулоқот, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш кейинги пайтда депутатлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ҳисобот даврида қўмита аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди. Қўмита номига келиб тушган жами 417 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва уларнинг салмоқли қисми ҳал қилинган.

Брифингга айтиб ўтилганидек, кейинги пайтда фуқаролар томонидан йўлланаётган мурожаатларда қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга доир тақлифлар салмоғи ортиб бормоқда. Ўз навбатида, қўмита аъзолари амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритишга доир

тақлифларни ўрганиб чиқишга алоҳида эътибор қаратаётир. Хусусан, қўмитага келиб тушган мурожаатларда фуқаролар томонидан 7 та қонун ҳужжатиға тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар билдирилган.

2023 йилда қўмита аъзолари ўз сайлов округларида турли масалалар юзасидан 500 га яқин жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабулдини ташкил этди. Улар томонидан 500 дан ортиқ масалалар кўтарилган бўлиб, шундан аксарият қисми депутатлар сайёҳаракати билан бартараф этилган.

Ўтган даврда қўмита фаолияти

«СЕҲРЛИ ДИЁР»ДАГИ УНУТИЛМАС МУЛОҚОТЛАР



2018 йилда мамлакатдаги бошлангич ва ўрта мактабларда бир ўқувчига ўттири келадиган харажат ИХТТ ўртача кўрсаткичидан 34 фоизга юқори, олий таълимда хар бир талаба учун сарфланган харажат эса икки баравар кўп.

ИХТТ томонидан мувофиқлаштирилган Халқаро талабаларни баҳолаш дастури хозир америкалик 15 ёшли ўқувчиларнинг умумий билим ва кўникмаларини ўқиб саводхонлиги, математика ва табиий фанлар бўйича дунёда 19-ўринга қўйган. Америкалик талаба синновларда ўртача 488 баллга нисбатан 495 балл тўплай олган.

Шахсий ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт

Сафаримиз давомида АҚШ таълимнинг жозибали жиҳатлари эътиборимизни тортди. Мамлакатда таълим шунчаки тизим эмас,



балки шахсий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва потенциал ўсиш йўлидир. Ўқув даргоҳлари барча учун очик, танлов имконияти эса жуда кенг.

Таълим мактабгача, бошлангич, ўрта ва олий каби босқичлардан иборат. Бутун тизим федерал, штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар даражасида назорат қилиб борилади. Қонунчиликка кўра, 5 — 8 ёшдан 16 — 18 ёшгача бўлганлар учун таълим мажбурий. Ўқув дастури мактаб жойлашган штат ва округга қараб фарқланиши мумкин, ammo барча штатда қонун бўйича давлат мактаблари ўқувчиларининг керакли минимал таълим даражасига эришиши текшириб борилади. Айниқса, олий ўқув юр்தларда таълим сифати юқори бўлишига алоҳида эътибор берилади.

АҚШда саводхонлик даражаси 99 фоизни (2008 йил) кўрсатган. 2011 йилда 25 ва ундан катта ёшдагиларнинг 46 фоизи ўрта маълумотга, 30 фоизи бакалавр ва ундан юқори даражага эга бўлган. 2017 йилда эса бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил этган.

Мажбурий таълим мактабгача, бошлангич ва ўрта мактаб босқичларини ўз ичига олади. Кўплай давлат ва хусусий коллеж ҳамда университетлар ўрта мактабдан кейинги таълим бўйича кенг тақлифларни илгари суради.

Турли рейтинг ташкилотлари томонидан рўйхатга олинган дунёдаги энг яхши 25 та университетдан 19 таси айнан АҚШда фаолият юртади.

Мамлакатда давлат таълими бепул ва болалар боғчасидан 12-синфгача давом этади. Қўшма Штатларда таълим олишдан бепул фойдаланиш жамоат ҳуқуқидир. Конституция ирки, дини, миллати ва жинси ёки Америка фуқароси бўлиши-бўлмағидан қатъи назар, барчага тенг таълим олиш имкониятларини таъминлашга қаратилган.

Боғча таълими расмий таълимнинг илк йиллари ҳисобланади. 5-6 ёшгача бўлган болалар учун махсус мўлжалланган таълим тарбия жараёнида инклюзив муҳит яратилиб, саводхонлик, ҳисоблаш, ижтимоий фанлар каби эрта таълим стандартларига амал қилинади. Бошлангич мактаб тизими бо-

лалар боғчасидан 5-синфгача ўқув тизимини қамраб олган. Ўқув дастури инглиз тили, математика, табиатшунослик ва жисмоний тарбия каби фанлар бўйича фундаментал кўникмаларни ривожлантириб боради. Бошлангич мактабларда ўқувчиларни академик, ижтимоий ва ҳиссий ривожлантиришга аҳамият қаратилади, уларнинг жамоа билан ишлаш, мулоқот қилиш ва бошқа ҳаётий кўникмалари шакллантирилади.

Ўрта ёки кичик мактаб таълимдаги муҳим ўтиш босқичи бўлиб, 6 — 8-синфларни қамраб олади — фанлар мураккаблашиб боради. Ўқувчиларга ўзларининг шахсий қизиқиш соҳаларини англашлари учун муайян мавзулар берилади. Умумий ўсишни рағбатлантириш ва карьера қуриш имкониятларини ошириш учун ўқувчилар дарсдан ташқари тадбирлар, спорт ва турли тўғаракларга қатнайд.

Ўрта мактаб ўқувчиларда танқидий қарашларни шакллантирувчи таълим босқичидир. У 9 — 12-синфлар, яъни коллежларга қадар «К-12» таълим тизимининг яқиний босқичини қамраб олади. Ўқув дастури ўқувчига асосий фанлар бўйича хар томонлама таълим бериш учун мўлжалланган. Ёшларга бир нечта танлов курсларида иштирок этиш, шу орқали ўз қизиқишлари ва карьера мақсадларини ўрганиш, шахсий ривожланишга ёрдам берадиган спорт, мусика, драма ва жамоат хизматларини ўз ичига олган дарсдан ташқари қатор тадбирларда қатнашиш имкониятини беради.

Жаҳоннинг энг нуфузли олийгоҳлари

Ўрта таълимдан кейинги таълим эса коллеж ёки университетлардир. Коллежлар, жамоат коллежлари, касб-хунар мактаблари, университетлар ва онлайн таълим муассасаларида ўқиш талабалар учун жозибадор ҳамда уларда иқтидорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Ёшлар тўрт йиллик бакалаврият дастурини тугатгандан сўнг магистратура, аспирантура ва докторантурада ўқиши мумкин. Ушбу босқичларнинг хар бири инсонга ўз касбининг етуқ мутахассислиги бўлиш ёки илм йўлида муайян натижаларга эришиш имконини беради.

Олий маълумотли кадрлар рақобатбардорлигини ошириш иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий омилдир. АҚШга сафаримиз давомида юксак билим ва маълумотли кадрлар тайёрлаб, мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшаётган университетлар фаолияти билан яқиндан танишдик.

Қўшма Штатларда таълим муассасалари талабаларга дунё миқёсида тан олинган сертификатлар ёки даражаларни олиш имконини берувчи турли аккредитацияларни тақдим этади. Бу ерда дунёдаги энг нуфузли университетлар жойлашган. Харвард, Стенфорд, Массачусетс, Колумбия, Вашингтон, Док университетлари, Калифорния технология институти ўзига хос ўқув дастурлари, жаҳон даражасидаги профессор-ўқитувчилари ва энг замонавий жиҳозланган лабораториялари, улкан фондли кутубхоналари билан машҳур.

Бу олийгоҳларда таълим тизими мослашувчан бўлиб, танқидий ва таҳлилий фикрлаш ҳамда ўқитишнинг интерфаол усул ва услубларига таянади. Профессорлар талабаларни муҳомаалар, ақлий ҳужум ва баҳсларда жиҳди қатнашишга қорлайди. Баҳолаш усуллари топшириқлар, тақдиротлар, лойиҳалар ва имтиҳонларни ўз ичига олади. Талабалардан жамоада ишлаш, мулоқот ва танқидий фикрлаш қобилиятларини намоён этиш талаб қилинади. Таъ-

лим тизими миллийлик, инновациялар, инклюзивлиқни ўзида акс эттиради.

Рован университети: таълим ва тадқиқот уйғунлиги

Нью-Жерси штати Глассборо шаҳрида жойлашган Рован университетида ташриф барчамизда унутилмас таассурот қолдирди. АҚШнинг энг яхши 100 та давлат тадқиқот олийгоҳи қаторидан жой олган бу муассасада бизни унверситет президенти Али Хошуманд ва унинг жамоаси илиқ кутиб олди. Ташкил топганининг 100 йиллиги кенг нишонланётган мазкур даргоҳда раҳбарият ва тегишли факультетлар деканлари, департамент бошлиқлари, олийгоҳ қошидаги коллежлар мўдирторлари, кафедралар мўдирлари ўртасида учрашув ҳамда музокаралар бўлиб ўтди.

Унверситетда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, замонавий ечимлар, талабаларнинг касбий ривожланиш имкониятлари тезлаштирилган коллеж ва курслар фаолиятлари, таълимдаги дунёга ёндашувлар, хорижий талабалар учун қулайликлар билан таълим. Академик маслаҳатлар олинб, инновацион ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Рован университетининг ректори, проректорлари ва коллежлар деканлари ҳамроҳлигида Глассборо шаҳрида жойлашган асосий кампусда, Самден ва Стратфорддаги тиббиёт коллежлари кампуслари ва бошқа ўқув биноларида талабаларга бакалаврият, докторлик ва профессионал дастурлар бўйича берилаётган таълим жараёнини кўздан кечирдик.

Олийгоҳ жадал ривожланаётган давлат тадқиқот унверситети ҳисобланади. Бу ерда ўқув 90 та бакалаврият, 48 та магистратура, иккита профессионал ва тўқикизта докторлик дастурларини ўз ичига олган. Рован университети мамлакатдаги тиббий ва юқори даражали дастурларни тақлиф қиладиган учта муассасадан биридир. У шунингдек, Нью-Жерси технология парк хамда 23 та тадқиқот маркази ва институтини қамраб олган.

Сақкизта коллеж ва сақкизта мактабга эга Рован университетининг

муҳандислик, тиббиёт, фан ва бизнес йўналишида амалий тадқиқотлар олиб боришга ихтисослашган кенг тармоқли фаолиятини ўрганиш давомида бизнинг таълим тизимимизга табиқ этиш мумкин бўлган илгор жиҳатлар ва афзалликларни ўзимиз учун белгилаб олдик. Таълим, ўқитиш ва тадқиқот учун самарали технологияларини ўрганишга, ўзлаштиришга интилдик.

— Биз ҳамкорликка доим тайёрмиз, — деди Рован университети президенти Али Хошуманд биз билан суҳбатда. — Ишонанмик, алоқаларимиз узоқ муддатли, хар икки мамлакат ҳамда университетлар учун ўзаро манфаатли бўлади.

Олий ўқув юрти раҳбари ўзбек ёшларини унверситетнинг муҳандислик, тиббиёт, таълим ва бошқа қўллаб йўналишларида тахсил олаётган талабаларни сафида кўришга умид қилишини билдирди.

Унверситетнинг Муҳандислик коллежи фаолияти билан ҳам танишдик. Коллежининг биотибиёт, кимё, фукаролик ва атроф-муҳит муҳандислиги, қурилиш менежменти, электр ва компьютер муҳандислиги, муҳандислик тадбиркорлиги, муҳандислик бошқаруви ва машинасозлик каби амалий ҳамда интеллектуал тадбирларини тақдим этувчи таълим дастурлари, замонавий илмий тадқиқот ва ўқув жиҳозлари бизда катта таассурот қолдирди.

Унверситетнинг Нью-Жерси штатидаги шифохонаси фаолияти замонавий андозаларга асосланган. 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида кўп тармоқли, жумладан, пульмонология, эндокринология ва оғрикни бошқариш каби 14 та ихтисослик соҳаларида ўз хизматларини тақдим этиб келаётган тиббиёт муассасасидаги қулай шартшароитлар, лабораториялар ҳам беморларни доволлаш, ҳам илмий тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратди.

Унверситет телестудияси ва 1,3 миллиондан ортиқ тинглочвилик аудиториясига эга Рован минтақавий жамоат радиоси фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Студиялар олийгоҳ кампусидаги алоқа ва иқтисодий ҳамкорликда жойлашган бўлиб, радио эшиттириш-



лари Нью-Жерси, Филадельфия ва Делавер бўйлаб узатилади. Радио орқали 24 соат давомида талаба-лар, унверситет профессор-ўқитувчилари, битирувчилар олийгоҳ ва унинг атрофидаги жамоалар учун қизиқарли бўлган турли мусиқий, маданий, маърифий, кўнгилочар ва маърифий дастурларни эфирга узатади.

Шунингдек, Рован университети қошида ташкил этилган музей-ҳам бўлиди.

Умуман, нуфузли университетда музокаралар мазмунли ва самарали кечди. Ўзаро ҳамкорликнинг турли истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Таълим ва тадқиқотлар соҳаларида яқин алоқаларни йўлга қўйдик. Халқаро Нордик унверситети талабаларининг Рован университетига ахборот тизимлари, компьютер технологиялари, киберхавфсизлик, география, биомуҳандислик ва бошқа қўллаб замонавий мутахассисликларда таълим олиши борасида келишувларга эришдик. Ўзаро ҳамкорликда турли қўшма дастурлар ишлаб чиқиш, хусусан, бизнес бошқаруви, компьютер фанлари, ахборот таҳлили, муҳандислик, педагогика ва «TESOL» дастурларини амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Унверситетнинг Таълим коллежи билан докторантура, магистратура ва бакалавр йўналишларида барча ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланишга келишиб олинди. Муҳандислик коллежи билан электроника ва компьютер муҳандислиги йўналишида қўшма дастур йўлга қўйилди.

Ватандошлар билан дўстона алоқалар

Сафар давомида АҚШдаги сааноат, сийёсий ва маданий марказ — дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири Нью-Йорк кўчалари, хиёбонлари бўйлаб сайр қилдик. Дунё маданий мероси рўйхатидан ўрин олган, сайёҳлар энг кўп борадиган жозибали туристик манзил — Озодлик ҳайкали бўзак турган Озодлик оролида бўлди.

Шунингдек, Нью-Йоркдаги «Mahalla USA» Ўзбекистон — Америка ассоциациясида океанортидаги ватандошларимиз билан учрашдик. Ўзбек диаспораларини бираштирган мазкур марказ АҚШда яшаб келаётган ватандошларимизга кўмак бериш, қолаверса, уларнинг фарзандлари — ёш авлодга она Ватан туйғусини сингдиришга хизмат қилмоқда.

Марказ қошида «Ziyo art» ўзбек тили ўқув маркази фаолият олиб борапти. Ўзбек санъати, мусикаси, рақс ва шеърятини, расомчилигини ёшларга ўргатиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шунингдек, марказ ташаббуси билан миллий байрамларимиз, маросим ва тадбирларимиз кенг нишонланиб келинади.

Ўзбек диаспораси учун Ватаннинг бир бўлаги сифатида хизмат қиладиган «Mahalla USA» маркази раҳбари Абдумалик Аҳмедов бизни муассаса фаолияти билан таништирди. Ёшларнинг миллий қадрият ва аъналаримизнинг доим ёдда тутишлари учун амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар хусусида сўзлаб берди.

Учрашув давомида Халқаро Нордик университети фаолияти тақдимотини ўтказдик. Америкалик ёшлар ва уларнинг ота-оналарига унверситетимиз таълим хизматларини, имконият ва ташаббусларини ҳақида батафсил маълумот бердик.

Халқаро Нордик университети ва «Mahalla USA» Ўзбекистон — Америка ассоциацияси ўртасида келишув меморандуми имзоланди. Келгусида унверситетимиз профессор-ўқитувчиларини АҚШга юборган ҳолда ватандошларимизнинг фарзандларига Ўзбекистон тарихи, маънавий-маърифий ва

ахлоқ қоидалари бўйича дарс машгулотларини ўтиш, миллий байрамлар арафасида қўшма маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш, хорижий ҳамда маҳаллий телевидение ва ОАВ учун махсус лаҳза, кўрсатув ва репортажлар, «АҚШ ва Ўзбекистон муштараклиги» руқнида муаллифлик кўрсатувлари тайёрлашни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Шунингдек, «Mahalla USA» билан ҳамкорликда океанортидаги ўзбеклар, айниқса, ёшлар ҳаёти ва улар томонидан эришилаётган натижалар хусусида ижтимоий тармоқларда мунтазам янгилик ва маълумотлар бериш, Ўзбекистон тарихи, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ қўшма тадқиқотлар олиб бориш, АҚШда сақланаётган тарихий манбалар асосида илмий-оммабоп мақола-логиялари, киберхавфсизлик, география, биомуҳандислик ва бошқа қўллаб замонавий мутахассисликларда таълим олиши борасида келишувларга эришдик.

Ўзаро ҳамкорликда турли қўшма дастурлар ишлаб чиқиш, хусусан, бизнес бошқаруви, компьютер фанлари, ахборот таҳлили, муҳандислик, педагогика ва «TESOL» дастурларини амалга ошириш каби қатор истиқболли йўналишларда ҳамкорликка келишилди.

Ёшлар халқаро меҳнат бозорининг фаол иштирокчисига айланади

Халқаро Нордик университети ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ўртасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Элчихонанинг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими таркибидаги Америка марказига ташриф уюштирилди. Бир гуруҳ талабаларимиз ва ходимларимиз ўқув-кўргазмали машгулотда Америка маркази ресурслари ва хизматлари билан яқиндан танишдик.

АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари, дунё ахли интиладиган «Орузулар мамлакат» да ўқиш имкониятлари, ушбу давлат маданияти ва жамияти ҳақидаги кенг маълумотлар олинди. Талабалар марказининг электрон маълумотлар базасига обуна бўлди, кутубхона ва инглиз тили клуби аъзоларига айланди.

Эндилкида талабаларимиз юртимиздаги Америка марказларида АҚШ элчихонасида инглиз тилини ўқитиш ҳамда ривожлантириш бўйича ташкил этиладиган турли тадбирлар, анжуман ва маърузаларда қатнашиш имкониятига эга. Бу, ўз навбатида, «Work and travel» дастурида иштирок этишга тайёрларлик қўриш босқичи вази-фасини ҳам ўтайди.

Қисқача айтганда, АҚШ таълим тизими бугун тадқиқотлар асосида технология соҳалардаги сезиларли ютуқлар, ўқитиш усулларидagi сифат ўзгаришларини бошдан кечирмоқда. Қўшма Штатлар бутун дунё олимлари учун имконият майдонига айланши салохиятига эга эканига ҳам шубҳа йўқ. Мамлакат таълим тизими жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишга асосланган ўқув, тадқиқот дастурлари билан қамраб олинган бўлиб, уларнинг натижалари нафақат АҚШда, балки бутун дунёда асқатмоқда.

Океанортидаги олий таълим тизими оид яна бир жиҳат — ўқишни тугатгандан сўнг битирувчиларга ишлаш имкониятларининг мавжудлиги. Институт ва университетлар сифатли таълим бериш билан бирга, ўз талабаларига турли соҳаларда иш ўринларини ҳам тақлиф қиладди.

Халқаро Нордик университети АҚШдаги нуфузли олий ўқув юр்தари билан ҳамкорлик қилиш, талаба алмаштириш дастурларини йўлга қўйиш орқали ёшларимизнинг «сеҳрли диёр»да таълим олиши ва халқаро меҳнат бозорининг фаол иштирокчисига айланишига хар жиҳатдан қўмақлаштириш услубу вази-фаларидан бири деб билади.

Шерзод МУСТАФОКУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК ТИЛИ БЎЙИЧА ЯНГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА НАШРДАН ЧИҚДИ

Токио хорижий тиллар унверситети кичик илмий ходими Хидака Шинсукэ «New Express + Uzbek language» номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқди.

Лотин алифбосида ёзилган ушбу қўлланма 160 бет ва 20 та мавзудан иборат. Дарслик бошлангич даражада ўзбек тилини ўрганаётганларга мўлжалланган бўлиб, у ўзбек тили грамматикаси ҳақида тушунча беради. Шу билан бирга, ўқувчиларга оғзаки сўзлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида китобнинг овозли шакллари ҳам тайёрланган.

Муаллифнинг айтишича, мазкур ўқув қўлланмаси орқали бемалол Ўзбекистонда таржимонсиз сўзлаш қилиш ёки бизнес ташрифларини амалга ошириш мумкин бўлади.

«New Express + Uzbek language» қўлланмаси «Hakusuisha Publishing Co., Ltd.» ноширлик уйи томонидан чоп этилган. Китоб шу йил 29 январдан бошлаб сотувга чиқарилади.

Хидака Шинсукэ илмий даражасига эга. У 2007 йилдан бунён ўзбек тилини ўрганиб келади. 2014 — 2016 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясида илмий изланишлар олиб борган ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари унверситети ва «Ўзбекистон — Япония» марказида япон тилидан дарс берган. Хидака Шинсукэ 2021 йил апрель ойда Токио хорижий тиллар унверситети қошидаги «Open Academy» дастури негизида ўзбек тили курслари очди.

Япониялик ёш олим, шунингдек, «Ўзбек тилидаги таҳмин ёки эҳтимоликни ифодалайдиган аналитик ифодалар орасидаги фарқлар», «Ўзбек тилидаги «= чи» юкламасининг вази-фалари» каби 20 дан ортиқ илмий мақола-лар муаллифи ҳамдир.

«Дунё» АА. Токио

МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИМИЗ ХОРИЖЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТМОҚДА

Бельгиянинг «Travel Tomorrow» сайёҳлик порталида ўзбек миллий таомларига бағишланган мақола жойлаштирилди.

Электрон нашрда қайд этилишича, Буюк Ипак йўлининг савдо-сотик бўйича асосий чорраҳалардан бирида жойлашган Ўзбекистонга бир қанча давлатлар маданиятини кириб келиши ўзбек ошхонасининг ривожланишига асос бўлган. Мамлакатнинг турли вилоятларда миллий таомларни тайёрлаш бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладди. Шимол-ий ҳудудда, асосан, палов ва хамирли таомлар тайёрланади, жанубий ҳудудда эса кўпроқ гуруч ва савзавотлардан тайёрланадиган таомлар хуш кўрилади. Фарғона вилоятида қовурма палов тайёрланади, Тошкентда эса оқш раңдаги палов тайёрланади.

«Марказий Осиёда кенг тарқалган таом — бу ўзбек ошхонасининг шоҳ таоми палов ҳисобланади. Ўзбек палови 2016 йилда ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган. Ўзбекистонда меҳмон мезбоннинг уйдан палов тортилгандан кейингина кичик кетиши мумкин, деган нақл бор», дея ёзилади манбада.

Мақолада палов тайёрлаш усули ва унга қўшилидиган масалликлар ҳақидаги батафсил маълумот ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. «Қўндалик ҳаётда ушбу таом аёллар томонидан тайёрланади, тўйлар, байрамлар, тўғилган кун ва бошқа йирик тадбирларда паловни анъанавига кўра эркаклар пиширади», дея қайд этилади порталда.

«Travel Tomorrow» веб-сайтида эълон қилинган мақолада ўзбек нонлари ва уларни тайёрлаш усуллари ҳам алоҳида урулган.

«Нон — бу ўзбек оилалари дастурхон атрофида биргаликда баҳам кўрадиган кўндалик таом, — деб таъкидланган нашрда. — Нон ёки обинон деб аталадиган анъанавий ўзбек нони думалоқ шаклда бўлиб, ўртаси юпқароқ, чети қалинроқ бўлади. У лойдан тайёрланган махсус тандирда пиширилади. Ўзбекистонда Самарқанд нони жуда машҳур» дея ёзилган Бельгия оммавий ахборот воситасида.

Мақоладан, шунингдек, томса, манти ва кабоб каби ўзбек ошхонасининг машҳур таомлари ҳамда уларни тайёрлаш усулларига оид батафсил маълумотлар ўрин олган.

«Дунё» АА. Брюссель

ҚАНТАК ЎРИК НЕГА КАМАЙИБ КЕТМОҚДА?

Фаргона вилоятининг Риштон тумани нафақат халқ амалий санъатининг ноёб намунаси бўлган қулоччилик махсулотлари, балки табиий дармондориларга бой ва ширин-шакар қантак ўриги билан ҳам танилган. Олимларнинг айтишича, бу ўзига хослик ва бетакрорликнинг асосий омилли — туманининг қизил, соз типроғидир.

Риштоннинг қантак ўриги ҳақида гап кетганда, ундан ўз вақтида космонавтлар учун махсус жўнатма юборилганини эсга олиб ўтиш ўринли. Биргина ана шу жиҳатнинг ўзи ҳам ушбу мева нечоғли қадри эканлигидан далолат беради.

Таҳлил

Афсуски, кейинги йилларда туманда қантак ўрик етиштириш сезиларли даражада камайиб кетди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Хўш, бугунги кунда Риштон қантак ўриги етиштириш ҳажми, сифатини ошириш ҳамда бу борадаги ҳаётий тажрибани янги мезонлар асосида ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Машаққатига чидаган бараката топади

Қадимдан Риштон ўзининг қантак ўриклари билан машҳур бўлган. Бу ерда ҳозир ҳам алоҳида ўрик бозори бўлиб, харидорлар баргага аштак, офтобдо димлама, асл қантак ўрикларни сотиб олиши мумкин. Айни пайтда тумандаги ўрик бозорига бир килограмм аштакнинг баҳори 130 — 150 минг сўм, барганнинг ўртача нархи 35 — 40 минг, қантак ўрик эса 50 — 80 минг сўмдан сотилмоқда.

Қантак ўрик навлари йўқолиб, камийиб кетаётганининг сабабларидан бири экология ва иқлим ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Чунки уни обитобида қуришнинг ўзи бўлмади, бунинг учун, биринчи навбатда, табиий ва қулай об-ҳаво керак, — дейди миришкор бобдон Мавлонжон Зокиров. — Шу боис ҳозир қўнчилик тез мевага кирувчи, қиммат ва жойида сотилувчи ўрик навларини екишни маъқул қўлади.

Тажрибали бобдоннинг гапларида жон бор. Қантак ўрик ниҳоли 7-8 йилда тўлиқ мевага киради. Бунга қўшимча мевани қўлда битталаб териб олиш, офтобда қуриштишга меҳнат, безиён сақлаш сингари машаққатлари кўп. Шу тарихи ўрик меваси дастурхонга келгунча ўзига хос парварега, бир неча жараёндан ўтувчи қўл меҳнати зарур.

Бундан ташқари, навнинг асл ҳолати-

ни сақлаб қолиш учун, асосан, пайвандлаш усулида кўпайтирилмаган ниҳоллар ёввойи, дуч келган қўнчатга уланмайди. Айнан қантак данагидан урган ниҳоллар танлаб олинади. Шохлардаги гўралар рангга кирди дегунча дарахт сувдан тортилади. Сабаби, ўрик сувни «ёқтирмайди», сервус бўлса, мевалари қорайиб кетади. Шунинг учун ҳам бобдонлар қантакор остига бугдой, арпа экади. Бу экинлар ўрик билан бир вақтда пишган, ўрик сомони ёйиб қўйилади.

Риштонликлар ўрикларни сақлашда ҳам жайдари, аммо ўта самарали усулдан фойдаланишадди. Яъни қантак бошқа ўриклар сингари қоқиб олинмайди, пишиб етилганлари ана шу сомон похол устига тушиб, табиий ҳолда қурийверади.

Бугунги кунда бобдончиликда замонавий мезонлар кенг жорий этилаётгани боис қантак ўрик эндиликда риштонлик тадбиркорлар томонидан қадқонланган ҳолда экспорт қилинмоқда. МДҲдан ташқари Италия, Жанубий Корея каби мамлакатларда ўрик тобора харидоригар бўлиб бормоқда. Мева данаги ўрига бодом мағзи солиб тайёрланаётган аштак Туркия бозорларида харидоригар махсулотга айланади. Шунингдек, омилкор бобдонлар ўрик навларини замонавий музлаткичи омборхоналарда кейинги йил баҳоригача табиий усулда сақлаш бўйича амалий тажрибага эга бўлишди.

Қантак ўриқка кимёвий ишлов берилмайди, олтингугурт ёқиб димланмайди. Ёз офтобига, очик ҳавога ола-қуруқ соя жойда қуришиб олинади, — дейди «Бобжон Собиржон Асрор» фермер хўжалиги раҳбари Собитжон Қорабоев. — Қуриган ўриқни сақлашда эътиборли бўлиш керак, қўнчилик ялғиз қўнчи қўяди. Кўзги офтобга ёйилса, ранги янада очилади. Қуриштишда кечки шабнамдан эҳтиёт қилинади, эрталаб устини очиб, кеч туш-

ганда ёпиб қўйилади. Шундай усулда қуриштилса, кейинги йил ўрик пишгунча сақлаш мумкин.

Қантакнинг бир қанча турлари бор: оқ қантак, қизил қантак, pista қантак, бурма қантак, мулла қантак, мурсанжали (маҳаллий бобдонлар болта қантак ҳам дейишади), боражабий...

Фермер хўжалиги тасарруфиди 6 гектар ўрикзор бор ва унинг салмоқли қисми оқ ҳамда қизил қантак, мурсанжали навларини ташкил этади. Фермер хўжалигида қўнчатчилик фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, айни жараёнда пайвандлаш орқали янги боғлар барпо этиш усули айна омлашган.

Риштонлик кексаларнинг хотирлашича, уларнинг болалик пайтларида туманининг барча ҳудудида қантак ўрик боғлари кўп бўлган. Очарчилик пайтлари халққа шу боғлар асқатган. Афсуски, пахта экиши баҳона-

лар қаторида қантак ўрик ҳам танлангани бежиз эмас эди, — дейди риштонлик меҳнат фаҳрийси Ҳомиджон Бурхонов. — Энг сара қантак ўриклар космонавтлар шахарчаси, Кремлга ташриф буюрувчи олий мартабали меҳмонлар ва хизматчилар учун ҳам юбориб турилган.

Боиси қуёш нурида табиий шарбатга тўлиб пишган ўрикнинг витаминлари ва фойдали хусусиятлари бисёр. Бу борада Ибн Сино ушбу мева ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаши, кишига қувват ва дармон бағишлаши, камқонликда даво эканлигини таъкидлаган. Замонавий тиббиётда ҳам унинг таркиби А, В ва С витаминларига бойлиги исботланган. У қўллаб минерал тузларга эга, асаб тизи-



Қуёш нурида табиий шарбатга тўлиб пишган ўрикнинг витаминлари ва фойдали хусусиятлари бисёр. Бу борада Ибн Сино ушбу мева ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаши, кишига қувват ва дармон бағишлаши, камқонликда даво эканлигини таъкидлаган. Замонавий тиббиётда ҳам унинг таркиби А, В ва С витаминларига бойлиги исботланган.

ми ва моддалар алмашинувида беқийёс аҳамият касб этади. Халқ орасида, асосан, камқонликка қарши курашишда ва ҳомилдор аёллар учун фойдали мева сифатида қадрланади. Юрак фаолиятини яхшилаш хусусияти билан эса янада аҳамият ятти.

Айтиш керак, иқлими совуқ ўлкаларда мавжуд бўлмаган ўрик, хусусан, қантак ўрикнинг таърифи узоқ-яқин хориж мамлакатларига ҳам етиб борган. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония, Россиянинг турли шаҳарларидаги бозор ва дуконларда қантак ўрик туршаги жуда харидоригар.

Шунингдек, баъзи ўрик навлари — исфарак, субҳони баргак қилинади, қантак-

Дармондориларга бой аштак — Риштоннинг бренди

Риштонлик сохибкорлар қантак ўрикнинг шифобахш хусусиятларини таърифлаб беришдан асло зерикмайдди. — Утган асрнинг 70-йилларида фазогирлар тановули учун махсус озиқ-овқат-

сида катта-катта боғлар бузиб ташланди. Кейинчилик яратилган қўллаб боғлар зах сувининг кўтариллиши тўғрисида қадрланади. Юрак фаолиятини яхшилаш хусусияти билан эса янада аҳамият ятти.

Айтиш керак, иқлими совуқ ўлкаларда мавжуд бўлмаган ўрик, хусусан, қантак ўрикнинг таърифи узоқ-яқин хориж мамлакатларига ҳам етиб борган. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония, Россиянинг турли шаҳарларидаги бозор ва дуконларда қантак ўрик туршаги жуда харидоригар.

Шунингдек, баъзи ўрик навлари — исфарак, субҳони баргак қилинади, қантак-

«ЁШЛИК» ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТАДИ

Тўрақўрғон шаҳридаги «Ёшлик» стадиони узоқ йиллар давомида футбол ишқибозларининг сеvimли маскани бўлиб келган. Ўз даврида шу номдаги жамоа нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашган.

Инфратузилма

Бирок кейинги йилларда мазкур маскан таъмирталаб ҳолга келди. Энди у Президентимизнинг «2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги қарори асосида мукамал таъмирланади. Бунинг учун республика бюджетидан 4 млрд, 600 млн. сўм, маҳаллий бюджетдан 1 млрд, 400 млн. сўм маблаг ажратилган. Амалий ишлар бошлангач, ҳозиргача очик сув хавзаси ва маъмурий бинолар, кийим алмаштириш хонаси, душхона ва бошқа қатор объектлар созулган келтирилди. 2024 йилнинг дастлабки кунларида иш янада

жадал тус олди. Навбат ўйингоҳнинг томошабинларга мўлжалланган ўриндиқларини замонавий сига алмаштириш, машгулотларни кузатиб бориш учун монитор ўрнатиш ва спортчиликка ётоқхона ташкил этишга қаратилган.

«Ёшлик»да таъмирлаш ниҳоясига етгач, унинг имкониятлари янада кенгайди. Стадион вилоятнинг «Навбахор» жамоаси учун футболчилар тайёрлайдиган маскан сифатида ҳам фаолият олиб боради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ЁШ АВЛОДНИНГ КИТОБ МУТОЛААСИГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД, АММО...

Китобга тўла, шифти баланд хонанинг бутун деворларини қоплаган жавонлар... Шифтгача етган жавонларга ҳар хил китоблар тартиб билан жойланган. Жавонга гилдиракли ёғоч нарвонлар тиркалган, уни хонанинг у четидан бу четига енгилгина суриш мумкин. Нарвондан охишта кўтарилиб, тепа қатордан ўзингизга ёққан китоблардан бирини танлайсиз...

Одатда, кутубхона манзараси шундай бўлади. Дейлик, бундай ҳолат пойтахтдаги кутубхоналарда одатий ҳол бўлиши мумкин, аммо асло Бухорода эмас.

Мулоҳаза

Гап шундаки, Бухоро вилояти болалар кутубхонаси жойлашган бино 1938 йилда болалар боғчаси сифатида қурилган. Ҳозирги кунда у авариya ҳолатида. Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг тегишли хатига ҳам ушбу бино меъёрий талабларга жавоб бермаслиги кўрсатилиб, унинг ўрнида лойиҳа асосида янгисини қуриш тўғрисида хулоса берилган эди. Аммо бино қайта қурилиши ёки таъмирланиши масаласи турли сабабларга кўра ечимини топмади.

— Мана, 67 мингта китоб шу ноқулай хоналарда сақланипти. Давлати-муассаса бош кутубхоначиси Мухтар Нуридинов. — Уларни тегишли меъёрлар асосида сақлаш учун шароит йўқ. Холбуки, хоналар кенг ва ёруғ, ҳарорат эса 25 — 27 даража бўлиши зарур. Чиндан ҳам, бу ерда шароитларини талаб даражасида, дея олмаймиз. Ҳатто китоблар сақланаётган хона то-

мидан чакка ўтгани шундоқ кўриниб турибди. Муассасада замонавий техника воситалари — моноблоклар, махсус экранлар ва стол-стулларга эҳтиёж мавжуд.

— Китобхоналаримиз сони 23 мингдан зиёд-дир ташкил этади, — дейди кутубхона директори Наргиза Низомова. — Уларнинг ҳар бирига ўртача 5 тадан китоб тўғри келяпти. Янги бино масаласига келсак, бу муаммо ечимини сари қадам ташланди. Давлати-муассаса бош кутубхоначиси Мухтар Нуридинов. — Уларни тегишли меъёрлар асосида сақлаш учун шароит йўқ. Холбуки, хоналар кенг ва ёруғ, ҳарорат эса 25 — 27 даража бўлиши зарур. Чиндан ҳам, бу ерда шароитларини талаб даражасида, дея олмаймиз. Ҳатто китоблар сақланаётган хона то-



гача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги 12 та болалар кутубхонасини босқичма-босқич янгилаш кўзда тутилмоқда. Фирқимизча, авария ҳолатидаги бинодо фаолият юритаётган Бухоро вилояти болалар кутубхонасини учун янги иншоот қанча тез қурилса, шунча яхши бўларди. Тизим фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ айрим маса-



ларлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, илгари шаҳар ва туманларда ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатар, улар вилоят болалар кутубхонасини ҳамда мактаб кутубхоналари ўртасида кўприк вазифасини ҳам ўтарди. Энди эса тизимда улар йўқ. Вилоятдаги 538 та мактаб кутубхоначаларига услубий ёрдам кўрсатиш, улар билан ҳамкорликда ишлаш 32 нафар мутахассисдан иборат вилоят болалар кутубхонасини жамоаси зиммасида. Бунга табиийки, улгуриш мушкул. Қолаверса, чекка қишлоқларда яшовчи китобхон ўғил-қизларнинг имкониятларини ҳам хусусига олиш керак. Ахир ҳаммада ҳам вилоят марказига келиб, кутубхонага аъзо бўлиш учун шарт-шароит бўлавермайди. Мактаб кутубхоналарига келсак,

уларни бадий адабиётлар билан таъминлаш масаласида муаммолар мавжуд. Дейлик, биз Бухоро шаҳридаги 13-ўрта умумтаълим мактабида бўлганимизда бу ерда таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчига 1,5-2 тадан бадий китоб тўғри келаётганига гувоҳ бўлдик.

— Тўғри, кейинги йилларда китоб таъминоти борасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, — дейди мактаб кутубхоначиси Шахло Муродова. — Масалан, биз 2023 йилда 256 та бадий китоб олдик. Лекин мактабимизда 1600 дан зиёд ўқувчилар билим олаётгани назарда тутилса, бу анча кам. Меъёрга кўра, ҳар бир ўқувчига 3-4 тадан китоб тўғри келиши керак. Айниқса, 1 — 4-синф ўқувчиларига мўлжалланган лотин ёзувидаги бадий китоблар жуда кам. Ваҳоланки, айнан шу ёшдаги болаларнинг китоб мутолаасига иштиёқли баланд.

Биз болалар кутубхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш китобхоналарга замонавий шарт-шароитлар яратиш, кутубхоналарни керакли адабиётлар билан таъминлаш масаласига бежиз тўхталмадик. Ёшларимизнинг билимини, зукко, дунёқараш кенг бўлиб воға етилишида китобнинг ўрни ниҳоятда катта.

Бунинг унутишга эса асло ҳаққимиз йўқ! Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 736 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг мазкун берилиши учун обунани расмийлаштарган таъкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳис — Ш. Машрабобов. «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6